VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

36 (468) 2017 йил 1 сентябрь, жума Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

УзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай қутлуғ кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр – эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарофли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз такроран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оқсарой қароргоҳи олдида Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни эса Ислом ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда – у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда якдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Ҳурматли ватандошлар!

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида бугун олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир даврда барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рухдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида **"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак"** деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас.

Биринчидан, бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Иккинчидан, биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринларини ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида **"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади"** деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Учинчидан, ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли Татьяна Акбаровна!

Азиз меҳмонлар!

Бугун сизлар билан азим Тошкентнинг табаррук масканида – Оқсарой қароргоҳи олдида муҳим тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич хотирасига бағишлаб бунёд этилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Ислом Абдуғаниевич бутун умрини жонажон Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва буюк келажаги учун бағишлади.

Ислом ака тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида – миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраб, республикамиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали бир шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олдилар.

Ватанимиз тарихида янги давр бошланган кун – 1991 йил 31 августда Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилдилар ва чорак аср давомида давлатимизни изчиллик ва собитқадамлик билан бошқардилар.

Биринчи Президентимиз раҳбарлиги остида тарихан қисқа даврда юртимизда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Юқори технологияларга асосланган янги саноат тармоқлари барпо этилди ва ривожлантирилди. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислом Абдуғаниевич бошчилигида Ватанимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий миллий армия барпо этилди.

Буюк Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган **"Биздан озод ва обод Ватан қолсин!"** деган эзгу ғояни илгари сурдилар ва бу даъват барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди.

У киши **"Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак"** деган ўзининг ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар.

2-бет

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқ ва марраларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлайди. Ислом Каримов бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартириб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этишга бевосита раҳбарлик қилди.

...2017 йил. 31 август. Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳи, унга туташ кўркам майдон ва хиёбон. Мусаффо осмон, маҳзун мусиқа садолари остида давлатимиз байроғи ҳилпирайди.

Бу ерга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат

2-бет

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Мустақиллик – ҳар бир халқ учун улуғ неъмат, буюк иноят.

Мустақиллик – ўзликни англаш, ўз ота маконининг эгаси бўлиш, ор-номусини баланд тутиш ҳуқуқидир.

Мустақиллик – жаҳонда тенглар ичра тенг бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркин ва фаровон яшаш имкониятидир.

1991 йил 31 август мамлакатимиз ана шундай тарихий ютуққа эришган буюк сана. Мустақилликнинг қадр-қимматини чуқур англайдиган халқимиз бу кунни катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Президентимизнинг 27 июндаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Жамиятимиздаги янгиланишларга мувофиқ байрам тадбирлари ҳам янгича шакл ва мазмун касб этди.

Асосий тантанали маросим 31 август куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари минбарга таклиф этилди. Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги билан халқимизни муборакбод этиб, нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради. Байрам аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида Ватан манзаралари, истиқлол тарихи тасаввурда гавдаланди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири юртимиз учун ўта мураккаб давр бўлди. Халқимиз мустамлака тазйиқида наинки эркини, балки миллийлигини, тилини, динини, ўзлигини ҳам йўқотиш даражасига келиб қолганди.

Тарихимизнинг шундай таҳликали, туб бурилиш пайтида Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлди. Адолатсиз тузумга қарши мардонавор курашиб, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилди. Ҳали собиқ тузум ҳукмрон пайтда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилди.

3-бет

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Тинчлик, мустақиллик, тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар бир-бири билан мудом ёнма-ён. Зеро, айнан шу неъматлар эл-юрт фаровонлигини, унинг истиқболи ва ривожланиш босқичларини белгилаб беради. Ўзбекистон эришган ва эришаётган бетимсол ютуқлар, улкан ислоҳотлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуши, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод – мана шундай улуғ неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган. Бу йўлда жон фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами олдидан яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бугун ушбу ёдгорлик мажмуидан зиёратчилар қадами узилмайди. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

...31 август. Эрта тонг. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Осуда отаётган тонгни кўриб қалбларда шукроналик, шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

2-бет





"MILLIY TIKLANISH" — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158



MILLIY TIKLANISH
36 (468) 2017 йил 1 сентябрь, жума

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўткир бир муаммо – арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017-2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда фақат қишлоқ жойларнинг ўзида жорий йилда қуриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаётгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш ҳақида гапирар эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Чунки халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истайди.

Аҳолимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

Тўртинчидан, биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш – биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири – мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу мақсадда айни кунларда махсус давлат дастури тайёрланмоқда.

Бешинчидан, республикамизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-билмай адашган одамларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни "ёмон" деб четга суриб қўйсак, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш – бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Бу борада амалга ошираётган ислоҳотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айни вақтда бундай кенг кўламли ишларимиз биз бошлаган ислоҳотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда фавқулодда сафарбарликни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шуни кутяпти.

Бу борада, айниқса, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқимиз хабардор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдириб, барча давлатлар халқларига самимий табрик ва саломларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун эл-юртимиз Мустақиллик байрами билан бирга муборак Қурбон ҳайитини ҳам катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Бу икки улуғ байрамнинг айнан бир кунга тўғри келишида ҳам ўзига хос чуқур ва рамзий маъно бор.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларни ана шу қўшалоқ айёмлар билан яна бир бор самимий табриклайман.

Шу юксак минбардан туриб, барча ютуқларимиз, буюк келажагимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва танти халқимизга таъзим қиламан.

Бугунги улуғ айём кунларида қалбимдаги энг эзгу тилакларимни мужассам қилиб айтмоқчиман:

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик!

Барчамизга, жонажон юртимизнинг камолини, фарзандларимиз ва набираларимизнинг бахту иқболини кўриш насиб этсин!

Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Қатағон қурбонлари куни муносабати билан мазкур хиёбонда халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Аньанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Президентимиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда жонини ҳам аямаган аждодларимиз хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз билан фахрланамиз. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаёт аҳамиятини янада теран англаймиз.

Истиқлол туфайли юртимизда тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар давомида топталиб келган миллий қадриятларимизни, азиз-авлиёларимиз, давлат арбоблари ва саркардаларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини эъзозлаш, Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган минглаб инсонлар руҳини шод этиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Инсондан унинг қилган эзгу амаллари, ишлари қолади. Бунга XX аср бошида халқимиз орасидан етишиб чиққан Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари кўплаб маърифатпарварларнинг курашларга йўғрилган ҳаёти ёрқин мисолдир. Уларнинг юртни озод кўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Бугун озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан баркамол авлод вояга етмоқда.

Юртимиздаги кўплаб тарихий обидаларнинг қайта тикланиши, қадамжоларнинг обод бўлиши мамлакатимиз Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ.

Жумладан, Биринчи Президентимизнинг 2001 йил 1 майдаги "Қатағон қурбонларини ёд этиш куними белгилаш тўғрисида"ги фармони асосида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи барпо этилди.

Музей 2002 йил 31 август куни – мамлакатда илк бор нишонланган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунида тантанали равишда очилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев музей экспонатлари билан танишди.

Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир, деди давлатимиз раҳбари. Ҳар бир вилоятда Қатағон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса, айни муддао бўлади. Қатағон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликларида махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Шавкат Мирзиёев музей ёнидан оқиб ўтувчи Бўзсув канали атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Бу ердаги муҳит ижодкорлар учун илҳом манбаидир. Шунинг учун Бўзсув канали атрофида турли тадбирлар – маком кечалари, ёшлар, нуронийлар ва зиёлиларнинг учрашувларини уюштириш мақсадга мувофиқ, деди Президентимиз.

Маълумотларга кўра, ёдгорлик мажмуи ва музей барпо этилган жой XX асрнинг 20-йилларидан то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунига қадар собиқ тузум жазо органларига қатлгоҳ бўлиб хизмат қилган. Тошкент шаҳрида отилган қатағон қурбонлари шу ердаги учта қатлгоҳга дафн этилган. Ёдгорлик мажмуи ана шу собиқ қатлгоҳ ҳудудларини ўзаро бирлаштириб туради. Агар рамзий соғона ёдгорлик мажмуининг мемориал маркази ҳисобланса, музей биноси унинг маърифий маркази бўлиб хизмат қилади.

Ўзлигини англамаган, муҳим ҳаётий ҳақиқатлар мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажаги йўқ. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти мужассам.

Муҳими, юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақилликни мустаҳкамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчисига айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашни ўзининг бурчи деб билган, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз кўзлаган манзиллар, шак-шубҳасиз, нурлидир. Шундай экан, мустақиллигимиз абадийдир.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

намояндалари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, талаба-ёшлар, юртимиздаги миллий маданият марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун жам бўлган.

Мажмуага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди ва нутқ сўзлади.

Ислом Каримов миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар, деди давлатимиз раҳбари. У киши ўзининг "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак", деган ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар.

Президентимиз бугундан бошлаб ушбу мажмуа бутун халқимиз учун қутлуғ ва табаррук қадамжо бўлиб қолади, албатта, деди.

Майин мусиқа садолари остида Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимиз рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Биринчи Президентимиз мустақил Ўзбекистонни 25 йил давомида бошқариб, оғир фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган оламшумул ислоҳотлар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг ўзининг буюк фарзандига чексиз ҳурмат ва садоқатининг амалий ифодаси бўлди. Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номини абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. 2016 йил октябрь ойида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасидаги жомъе масжидга "Ислом ота" номи берилди. Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қарор ижроси доирасида Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Саноат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига бир неча бор ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Ислом Каримов дафн этилган жойда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси билан танишиб, уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Буюк Йўлбошчимиз сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танлов эълон қилинган эди.

Танлов натижаларига кўра, ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов яратган ҳайкал ғолиб, деб топилди.

Маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ш.Каримов, Ўзбекистон халқ артисти Г.Мельникова, Тошкент шаҳридаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Муталов, ФИФА рефериси, "Буюк хизматлари учун" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳиби Р.Эрматов, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз муҳаббат билан севгани, умрининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

* * *

Энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами нишонланаётган қутлуғ кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ислом ака миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам доимо эл-юрт ташвиши билан яшаган Биринчи Президентимизни чексиз меҳр билан севар ва ўзининг улуғ раҳбари сифатида у киши билан ҳақли равишда фахрланар эди.

Ҳурматли ватандошлар!

Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш учун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истаклари ва таклифларини инобатга олиб амалга ошираётган ишларимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Тошкент шаҳридаги халқаро аэропорт, Тошкент давлат техника университети, Асака автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Саноат саройи, пойтахтимиз ва ҳудудларимиздаги марказий кўчалар, Оқсарой қароргоҳида ўз фаолиятини бошлаган илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, махсус хайрия жамоат фонди Ислом Абдуғаниевичнинг муборак номлари билан аталди.

2 сентябрь куни хайрли ишларимизнинг давоми сифатида Ислом Абдуғаниевич туғилиб вояга етган, мангу ором топган азим Самарқанд шаҳрида улуғ Йўлбошчимизнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросим ўтказилади.

Шунингдек, Карши шаҳрида ҳайкал ўрнатиш ва Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича бошлаган ишларимизни тўлиқ якунлаб, у кишининг туғилган кунига 80 йил тўладиган сана – 2018 йил 30 январда тантанали очилиш маросимини ўтказамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биринчи Президентимиз ҳаётининг энг фаол ва жўшқин пайтини – талабаликдан бошлаб умрининг охирига қадар бўлган даврни азим Тошкент шаҳрида ўтказдилар. Ўзларининг бор билим ва салоҳиятини, ғайрат-шижоатини Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига, гуллаб-яшнашига бағишладилар.

Ислом Абдуғаниевич Тошкентни Ватанимизнинг олтин остонаси, деб атар эдилар.

У кишининг **"Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўрамиз"** деган чуқур маъноли сўзларини шу бугунги тарихий кунда яна бир бор эсга олиш ўринли, деб ўйлайман.

Биринчи Президентимиз томонидан барпо этилган мана шу қароргоҳда у кишининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг энг ёрқин дамлари ўтган эди.

Айнан шу ерда халқимиз, мамлакатимиз тақдири ва келажагига оид ғоят муҳим бўлган кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилингани сизларга яхши маълум.

Бундан бир йил олдин бошимизга тушган оғир мусибат туфайли ҳувиллаб қолган Оқсарой қароргоҳи бугун Ислом аканинг меҳрли сиймоси туфайли янада очилиб, нурафшон бўлиб, эл-юртимизни ўз бағрига чорламоқда.

Бугун ушбу қароргоҳ олдида халқимиз, давлатимиз номидан буюк Йўлбошчимизнинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эканмиз, ўйлайманки, барчамиз Ислом Абдуғаниевичнинг бу муаззам ҳайкали шу майдонга алоҳида улуғворлик ва салобат бағишлаб турганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ишончим комил, бугундан бошлаб ушбу мажмуа бутун халқимиз учун бир умрга қутлуғ ва табаррук қадамжо бўлиб қолади, албатта.

Тошкент аҳли, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келадиган ватандошларимиз, чет эллик меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга ташриф буюриб, ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирадилар.

Бу масканга қадам қўйган ҳар бир инсон муҳтарам Ислом Абдуғаниевич юрган йўлакларидан, хиёбонлардан ўтиб, музей билан яқиндан танишиб, истиқлолимиз меъмори ва асосчиси билан хаёлан учрашгандек, мулоқот қилгандек бўлади.

Барчамизга яхши маълум, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг хизматлари беқиёсдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакилларига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига кўрсатаётган ҳурмат ва эътиборлари учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Ишонаман, Ислом Абдуғаниевичнинг муҳташам ҳайкали қад ростлаган ушбу қутлуғ маскан халқимиз, барча ёшларимиз учун Ватанга юксак меҳр ва садоқат кўрсатиб яшашнинг чинакам тимсолига айланади, катта тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, муҳтарам Биринчи Президентимизнинг номи ва у киши бошчилигида амалга оширилган буюк ишлар юртимизнинг шонли тарихида ўчмас саҳифа бўлиб мангу қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ислом Каримов янги ўзбек давлатчилигига асос солди. Ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлади. Оқилона ташқи сиёсат, тинчлик ва ҳамкорлик принципи туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

"Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган эзгу ғоя, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва улкан бунёдкорлик ишлари натижасида аҳоли ҳаёт даражаси изчил юксалди. Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар ва маънавиятга эътибор халқимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккурини ўзгартирди.

Истиқлолимизнинг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбирида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотираси чуқур эҳтиром билан ёдга олинди.

Саҳна ортидаги улкан мониторда мусаффо осмонимиз, оппоқ кабутарларнинг самога парвоз қилгани тасвири акс этди. Гўё буюк Йўлбошчимиз руҳи жонажон Ватанининг янги парвозларига оқ йўл тилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг янги даврига янги етакчи билан қадам қўйди. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов сиёсатини давом эттириш, шу билан бирга, барча соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадини баён этди.

"Эркин ва фаровон, демократик давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, узоқни мўлжаллаган ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинган. Бугун мазкур дастуриламал ҳужжат барча соҳа ва тармоқларда ҳаётимизга чуқур кириб, амалий ҳаракатларимиз мезонига айланиб бормоқда.

2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани бу борада катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Виртуал қабулхонаси ташкил этилгани, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар тўрт секторга ажратилгани, барча соҳа ва тармоқларда халқ билан мулоқот қилишга, одамларнинг дарду ташвишларини тинглашга киришилгани шу йўлдаги амалий қадамлардан бири бўлиш билан бирга, халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини асраш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир соҳа ҳамжиҳат ва уйғун ҳолда, энг муҳими, тўлақонли маърифат асосида ишлай бошлайди, халқ ва давлатнинг ягона мақсад йўлида бирлашишига олиб келади.

Давлатимиз раҳбари стратегик мақсадларимизга эришишда маънавий муаммоларни иқтисодий-ижтимоий масалалар билан бирга комплекс ҳал қилиш, бу борада халқ билан бамаслаҳат ишлаш, халқ орзу-армонлари билан яшашдек тарих тажрибасида етарлича синовдан ўтган, оқилона ва тўғри йўлни танлагани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Сўнгги ойларда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида бир қанча муҳим ҳужжатлар, хусусан, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаблар ва марказлар, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини, ижодий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қарор ва фармойишлар қабул қилинди.

Азалдан улуғ алломаларга бешик бўлган муқаддас заминимизнинг бой тарихи, маданияти, буюк ватандошларимизнинг инсоният тамаддуни, айниқса, ислом дини ва маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси — бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ва ҳаққоний ўрганишга астойдил бел боғланди. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёзма манбаларни тадқиқ этувчи шарқшунос ва манбашунос олимлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида буюк аждодимиз, улуғ муҳаддис Имом Термизий мақбараси таъмирланиб, янги масжид бунёд этилди, Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказига асос солинди. Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёдаги Абу Муъйин Насафий марказида ақида илми мактаби ташкил этилмоқда.

Буларнинг барчаси кўҳна тарихнинг қадим ҳақиқати — қайси давлатда тинчлик ва барқарорлик бўлса, илм-фан тараққиётига эришилишининг яна бир амалий исботидир. Зеро, тарихни пухта билмай, аждодларимизнинг оламшумул кашфиётларини чуқур ўрганмай туриб, билим, маърифат ва маънавиятга таянмасдан янги марраларни эгаллаб бўлмайди. Ушбу меросни ўрганиш ва ёш авлодга ўргатиш барча замонларда ҳам долзарб вазифа бўлиб қолади. Зотан, миллий ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Шу билан бирга, "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Президент қарори билан маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилашга, сифати ва самарадорлигини оширишга киришилди. Энг муҳими, шу пайтгача кўп ҳолларда самарасиз йиғилишлар билан чекланилган тарғибот тадбирлари энди аниқ мақсадли ва манзилли амалий ишларга айланмоқда.

Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу борадаги энг долзарб масалалар муҳокама қилиниб, уларни ҳал қилиш механизмлари ва йўллари белгилаб олинди. Устувор вазифалардан бири жамиятимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдан иборатдир. Айтиш жоизки, бугунги глобаллашув даврида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жаҳолатга дуч келаяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлишнинг асосий йўли маънавият ва яна бир бор маънавиятдир. Мазкур учрашувда Президентимиз илгари сурган ҳаётбахш ғоя ва ташаббусларнинг амалий ифодаси сўнгги вақтда адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари соҳаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорларда намоён бўлди.

Бу эзгу ишлар силсиласида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил қилинди, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Бастакорлар, Ёзувчилар, Журналистлар ижодий уюшмалари, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратилди.

Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилмоқда. Бу ерда адабиётимизнинг буюк намоёндаларига бағишланган ёдгорлик мажмуалари ўрнатилади. Наманган вилоятида буюк маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида хушовоз ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё, Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотирасини абадийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бошқача айтганда, юртимизда миллий ўзликни англаш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Миллий ўзликнинг таянчлари эса тарих ва маънавиятдир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бугун қарашлар ва қадриятлар эврилаётган, ёвуз кучлар инсон онги, қалби ва дидини емиришга уринадиган "янгича", "замонавий" "маданият"ларни интернет, санъатнинг энг оммабоп турлари орқали сингдиришга уринаётган паллада ким бу маънавий синовлардан омон чиқа олади? Аввало, юксак маънавиятли, ўз фикри ва қарашларига эга, фаол гражданлик позициясидаги собит инсонлар.

Миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, гуманитар ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш, миллий-маънавий тикланиш жараёнида фаол иштирок этишни бош мақсад сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолияти давомида "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга оширишга бел боғлаган. Бу эзгу ғояни амалга оширишда халқимизнинг миллий ўзлигини англаши маънавий қайта тикланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги замон мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни асраб-авайлаш, мураккаб халқаро вазиятда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларимизни янги босқичга кўтариш, фуқаролар онгига ватанпарварлик ҳиссини сингдириш, уларни шу юрт учун дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундаш саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлишини тақозо этмоқда. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз замирида мана шу ғоя асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Партиямиз, биринчи навбатда, **"Ўз болангни ўзинг асра"** деган даъватнинг амалий ҳаракатга айланишида бор куч ва имкониятини ишга солади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, унинг ҳудудий ва маҳаллий бўлинмалари билан партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш, халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида мустаҳкам ҳамкорлик қилиш олдимизда турган вазифаларимиздан.

Бу борада "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда "Маданият тўғрисида", "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Музейлар тўғрисида"ги қонунлар ижросини ўрганиш, "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги, "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлар ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш кечиктириб бўлмас вазифаларимиздандир. Бу ташаббусларнинг амалга оширилиши халқимиз маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилиши баробарида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижросида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

...Йиллар ўтади, даврлар, авлодлар алмашади. Аммо мустақиллик ҳамиша халқимиз учун энг олий неъмат, халқимизнинг тарихий ютуғи сифатида Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларига мангу муҳрланади. Зеро, ўз қарашлари ва мезонларига эга, маънавияти бутун, йўли ойдин, манзили ёруғ халқ қарвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди.

Сўзимиз якунида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги анжуманда айтган фикрларини яна бир бор эсга олсак:

"Биз ўз йўлимизда қандай хавф-хатарга дуч келмайлик, уни фақат мустаҳкам иродамиз, дину диёнатимиз билан енга оламиз.


Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан эришамиз.

Биз эркин ва фаровон келажагимизни қурмоқчи бўлсак, фақат мард ва олижаноб халқимиз билан бирга барпо этамиз".

Халқ дарди-ташвишлари билан ёнаётган беором қалб тубидан отилиб чиққан бу ҳароратли сўзлар ўзининг, оиласининг, бутун эл-юртимиз, бугунги ва келажак авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз учун ҳаётий аъмолга, эзгу вазифага айланиши лозим. Бошқача яшашга ҳаққимиз йўқ.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси



ҲАР ҚАНДАЙ СИНОВДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТГА ТАЯНАМИЗ, ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШАМИЗ

Инсон бахтли яшаш учун дунёга келади. Халқимиз бу саодатни, аввало, оиласи, эл-юрт тинчлигида, турмуши фаровонлигида кўради. Халқнинг ҳурмат-иззатини қозонсам, фарзанд-невараларнинг бахту камолини кўрсам, деган эзгу орзу-умидлар билан яшайди.

Ҳар қандай давлатда ҳеч бир халқ мустақил бўлмай туриб, бу буюк орзу-мақсадларга эриша олмайди. Шу боис халқимиз фарзандлари кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этиши учун, аввало, ўз тақдирини ўзи ҳал эта олиши керак. Буларнинг барчаси маънавий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, ота-она ва фарзандлар, шахс ва жамият, фуқаролар ва давлатни бирлаштириб турувчи ришта айнан маънавий куч-қудрат, қадриятлар ва урф-одатлар билан мустаҳкамланади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг маънавий жасорати ва фидойилиги билан бундан йигирма олти йил аввал Ватанимиз озодликка эришди, ўз эркимиз ўз қўлимизга ўтди. Биринчи Президентимиз халқимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган фаолияти давомида ҳамиша маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони эканини таъкидлаганига, бунга, аввало, ўзи амал қилиб, ўрнак бўлганига барчамиз гувоҳмиз.

Ахборот алмашуви шиддати, қарашлар ва қадриятлар тўқнашуви одамлар онг-қалбида ўта кучли ва чуқур акс-садо бераётган бугунги мураккаб ва ғоят таҳликали замонда одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшагандагина, унинг ҳаётида маъно бўлишига такрор-такрор амин бўлмоқдамиз. Айниқса, бу мафкуравий таҳдидлар марказида мурғак, оқ-қорани ажрата олмайдиган ёшларимиз, фарзандларимиз турганлиги барчамизни янада огоҳ ва сергак торттириши, табиий.

Шу боис бугун олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири фарзандларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, улар билан кўпроқ гаплашиш, қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришдан иборат. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз.

Юртимизда тарихан қисқа даврда бу эзгу мақсад йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширишга киришилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан эл-юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётганини таъкидлаш керак. Ҳаракатлар стратегиясида мақбараси таъмирланиб, янги масжид бунёд этилди, Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказига асос солинди. Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёдаги Абу Муъйин Насафий марказида ақида илми мактаби ташкил этилмоқда.

Буларнинг барчаси кўҳна тарихнинг қадим ҳақиқати — қайси давлатда тинчлик ва барқарорлик бўлса, илм-фан тараққиётига эришилишининг яна бир амалий исботидир. Зеро, тарихни пухта билмай, аждодларимизнинг оламшумул кашфиётларини чуқур ўрганмай туриб, билим, маърифат ва маънавиятга таянмасдан янги марраларни эгаллаб бўлмайди. Ушбу меросни ўрганиш ва ёш авлодга ўргатиш барча замонларда ҳам долзарб вазифа бўлиб қолади. Зотан, миллий ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Шу билан бирга, "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Президент қарори билан маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилашга, сифати ва самарадорлигини оширишга киришилди. Энг муҳими, шу пайтгача кўп ҳолларда самарасиз йиғилишлар билан чекланилган тарғибот тадбирлари энди аниқ мақсадли ва манзилли амалий ишларга айланмоқда.

Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу борадаги энг долзарб масалалар муҳокама қилиниб, уларни ҳал қилиш механизмлари ва йўллари белгилаб олинди. Устувор вазифалардан бири жамиятимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдан иборатдир. Айтиш жоизки, бугунги глобаллашув даврида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жаҳолатга дуч келаяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлишнинг асосий йўли маънавият ва яна бир бор маънавиятдир. Мазкур учрашувда Президентимиз илгари сурган ҳаётбахш ғоя ва ташаббусларнинг амалий ифодаси сўнгги вақтда адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари соҳаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорларда намоён бўлди.

Бу эзгу ишлар силсиласида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил қилинди, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Бастакорлар, Ёзувчилар, Журналистлар ижодий уюшмалари, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратилди.

Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилмоқда. Бу ерда адабиётимизнинг буюк намоёндаларига бағишланган ёдгорлик мажмуалари ўрнатилади. Наманган вилоятида буюк маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида хушовоз ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё, Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотирасини абадийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бошқача айтганда, юртимизда миллий ўзликни англаш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Миллий ўзликнинг таянчлари эса тарих ва маънавиятдир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бугун қарашлар ва қадриятлар эврилаётган, ёвуз кучлар инсон онги, қалби ва дидини емиришга уринадиган "янгича", "замонавий" "маданият"ларни интернет, санъатнинг энг оммабоп турлари орқали сингдиришга уринаётган паллада ким бу маънавий синовлардан омон чиқа олади? Аввало, юксак маънавиятли, ўз фикри ва қарашларига эга, фаол гражданлик позициясидаги собит инсонлар.

Миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, гуманитар ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш, миллий-маънавий тикланиш жараёнида фаол иштирок этишни бош мақсад сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолияти давомида "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга оширишга бел боғлаган. Бу эзгу ғояни амалга оширишда халқимизнинг миллий ўзлигини англаши маънавий қайта тикланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги замон мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни асраб-авайлаш, мураккаб халқаро вазиятда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларимизни янги босқичга кўтариш, фуқаролар онгига ватанпарварлик ҳиссини сингдириш, уларни шу юрт учун дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундаш саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлишини тақозо этмоқда. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз замирида мана шу ғоя асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Партиямиз, биринчи навбатда, **"Ўз болангни ўзинг асра"** деган даъватнинг амалий ҳаракатга айланишида бор куч ва имкониятини ишга солади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, унинг ҳудудий ва маҳаллий бўлинмалари билан партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш, халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида мустаҳкам ҳамкорлик қилиш олдимизда турган вазифаларимиздан.

Бу борада "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда "Маданият тўғрисида", "Театр ва театр фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Музейлар тўғрисида"ги қонунлар ижросини ўрганиш, "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги, "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлар ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш кечиктириб бўлмас вазифаларимиздандир. Бу ташаббусларнинг амалга оширилиши халқимиз маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилиши баробарида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижросида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

...Йиллар ўтади, даврлар, авлодлар алмашади. Аммо мустақиллик ҳамиша халқимиз учун энг олий неъмат, халқимизнинг тарихий ютуғи сифатида Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларига мангу муҳрланади. Зеро, ўз қарашлари ва мезонларига эга, маънавияти бутун, йўли ойдин, манзили ёруғ халқ қарвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди.

Сўзимиз якунида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги анжуманда айтган фикрларини яна бир бор эсга олсак:

"Биз ўз йўлимизда қандай хавф-хатарга дуч келмайлик, уни фақат мустаҳкам иродамиз, дину диёнатимиз билан енга оламиз.

Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан эришамиз.

Биз эркин ва фаровон келажагимизни қурмоқчи бўлсак, фақат мард ва олижаноб халқимиз билан бирга барпо этамиз".

Халқ дарди-ташвишлари билан ёнаётган беором қалб тубидан отилиб чиққан бу ҳароратли сўзлар ўзининг, оиласининг, бутун эл-юртимиз, бугунги ва келажак авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз учун ҳаётий аъмолга, эзгу вазифага айланиши лозим. Бошқача яшашга ҳаққимиз йўқ.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

Конференция

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш борасида аниқ таклиф ва устувор вазифалар белгилаб берилган.

ПАРЛАМЕНТ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Мустақиллик ва миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусидаги конференция ана шу устувор мақсад-вазифалар ижросига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар раҳбарлари маъруза қилиб, парламентни ҳақиқий демократия мактабига айлантириш, қонун ижодкорлиги ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда депутатларнинг амалий иш ва ташаббускорлигини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов миллий парламентнинг шаклланиш тарихи борасида маъруза қилди.

— Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш — узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унда қонунчилик



ҳокимиятини шакллантириш ва уни муттасил такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга, — деди А.Саидов. — Ўзбекистонда миллий парламентнинг шаклланиши давлат мустақиллиги билан узвий боғлиқ. Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлат қурилиши, конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга йўналтирилган туб ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистонда профессионал парламентаризмга ўтишда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва муайян институционал ўзгаришларга таянилди. Унинг илк босқичи 1991–1994 йилларни ўз ичига олади. Ўша вақтдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мамлакат Конституциясини қабул қилиб, давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янги органларини ташкил этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, адолатли демократик жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Бу жараёнда биз илғор хорижий давлатлар тажрибасидан ўзимизга керакли жиҳатларини ўрганиб, амалиётга жорий қилдик. Шу кунга қадар миллий парламентимизда 16 кодекс, 12 конституциявий қонун ҳамда 700 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Таъкидланганидек, парламентнинг вазифаси қонунлар қабул қилиш, сайловчилар манфаатларини ифодалаш ва уйғунлаштириш, жамиятда сиёсий устуворликларни муҳофаза қилиш ва белгилаш ҳамда ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилишдан иборатдир.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Давлатимиз раҳбари парламент, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида фаолиятимизни танқидий-таҳлилий баҳолаб, олдимизда турган долзарб масалалар юзасидан аниқ таклиф ва устувор мақсад-вазифаларни белгилаб берди, — деди С.Отамуратов. — Президентимиз билдирган асосли танқидий фикрларни таҳлил қилиш асносида бу борадаги ишларимизни ҳақиқатдан ҳам юқори босқичга кўтаришимиз, янги ташаббуслар билан чиқишимиз, мавжуд ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланишимиз зарурлигини англадик. Маърузада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, фаолият самарадорлигини ошириш, кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш, партия сайловолди Платформасида илгари сурилган мақсад-вазифаларни сифатли амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бунда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, сайёр қабул ва учрашувлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ундан кутилган асосий мақсад — одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдан иборат. Бу жараёнда сиёсий партиялар ва депутатлар ўз вазифа ва ваколатига масъулият билан ёндашиши, аҳоли билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиши, ишлаб чиқиладиган қонунлар одамлар манфаати, юрт равнақи, жамият ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишига эътибор қаратиши талаб этилади. Қабул қилинадиган ҳар бир қонуннинг халқчиллигини таъминлаш, унинг ижросини назорат қилиш депутатлар фаолиятининг устувор вазифасига айланиши лозим.

Бугун ЎзМТДП тизимида тадбирлар ташкил этиш кескин камайтирилиб, самарали ғоя ва лойиҳаларни амалиётга жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, партиянинг "Хизмат — беминнат", "Уйма-уй" лойиҳалари доирасида партия ташкилотлари ва депутатлар аҳоли, айниқса, уюшмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, уларнинг бандлиги ва саломатлигини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Конференцияда депутатлар давлатимиз раҳбари жаҳон парламентаризми амалиётига креатив янгилик — ҳар ойда депутатлар муайян тумандаги ҳақиқий аҳволни ўрганиши, унинг якунларини халқ депутатлари туман Кенгашида парламент палаталари раҳбарлари иштирокида муҳокама этиш ва амалий қарорлар қабул қилишни жорий этганини алоҳида эътироф этдилар. Жаҳон амалиётида учрамайдиган бундай механизм халқимизнинг ҳоҳиш-иродасини қонунларда ва Давлат дастурларида акс эттириш имкониятини бермоқда. Шунингдек, одамларнинг парламентга ва юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришларга ишончини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Парламент комиссиясида

ДАВЛАТ ГРАНТИ ТАНЛОВИ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларини молиявий, ҳуқуқий, ахборот-маслаҳат шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳолати, танловлар якунлари ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари лойиҳа ва дастурларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар натижаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада ижтимоий шериклик тамойиллари кенг қарор топмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, келажак эгаларига, ёш оила вакилларига кенг кўламда имтиёзлар берилаётгани, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари мустаҳкам ижтимоий шериклик асосида иш олиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Парламент комиссияси йиғилишида мана шундай эзгу мақсадни кўзлаган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди эълон қилган давлат гранти учинчи ва тўртинчи танловларига келиб тушган лойиҳалари кўриб чиқилди. Танловларга 412 нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган 11,2 миллиард сўмлик 457 лойиҳа ўрганилиб, унинг якунлари муҳокама қилинди.

Парламент комиссияси аъзолари танловга келиб тушган барча лойиҳани ўрганиб чиқди. Ўрганиш жараёнида давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари бирлашма ва уюшмаларининг таклиф-тавсиялари ҳам ҳисобга олинди, барча лойиҳа адолат мезонлари асосида холис ва очиқ баҳоланди. Муҳокамалар натижасида 93 нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 93 лойиҳаси ғолиб бўлгани тасдиқланди. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондига мазкур лойиҳаларни давлат грантлари шаклида қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджети маблағлари ҳисобидан 2 миллиард 250 миллион сўм миқдорида молиялаштириш вазифаси топширилди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш, жойлардаги долзарб социал-иқтисодий, ижтимоий-маънавий, ҳуқуқий ва гуманитар муаммоларни ҳал этишда лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга, — деди Парламент комиссияси ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов. — Бу вазифанинг амалга ошиши Парламент комиссияси аъзоларининг жойларда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориши, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институти вакилларига грант танловларимизга тақдим этиладиган лойиҳаларнинг аҳамияти, қоидалари ҳақида тушунчалар бериш билан бевосита боғлиқ жараёндир.

Айни шу мақсадда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хабардорлигини ошириш, жойлардаги социал-иқтисодий, ижтимоий-маънавий, ҳуқуқий ва гуманитар вазифаларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни янада кучайтириш, унинг самарадорлигини юксалтиришга қаратилган очиқ мулоқотлар ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистонда миллатлараро тинчлик ва фуқаролар ўртасида тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик муҳитини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш йўналишида ҳам давлат гранти ажратиш бўйича танлов ўтказилиши белгиланди. Бу соҳада ёшларга ўзбек халқининг маънавий бойликлари, анъана ва урф-одатларини, бебаҳо тарихий меросини сақлаш, уларга ҳурмат туйғусини сингдириш, миллий маданият, санъат, адабиёт ҳамда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган меъморчилик ва тарихий ёдгорликларнинг ёркин дурдоналари тўғрисидаги ахборотларни хорижий аудиторияга етказиш каби долзарб соҳаларда ижтимоий шерикликни кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Йиғилишда жорий йилда қўллаб-қувватланган давлат ижтимоий буюртмаларининг ижро этилиши, уларнинг Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини рўёбга чиқаришдаги самарасини юксалтириш, ижро назоратини таъминлаш, мониторингини ташкил этиш борасида вазифалар белгиланди. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва Парламент комиссиясининг иш режаси ва дастури тасдиқланди.

Йиғилишда кун тартибидаги бошқа масалалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Давра суҳбати

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

УНДА ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Фан ва технологиялар агентлиги ҳамкорлигида "Илмий ва инновациявий фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари, партия фаоллари, экспертлар, соҳа мутахассислари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директори Маҳмуджон Болтабоев мамлакатимизни янада тараққий эттириш, иқтисодиёти энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида инновацияларнинг аҳамияти жуда муҳимлиги, сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолият самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида парламентда қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси сайловчилар, партия электорати, турли табақа ва гуруҳларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан атрофлича муҳокама қилиниши, фракциялар ушбу масалаларда принципиал позициясини намоён этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди, — деди партия етакчиси. — Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугунги фаолиятимизнинг асосига айланган, десак хато бўлмайди. "Илмий ва инновациявий фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилиб, унинг мукаммал қонун сифатида қабул қилинишига эришсак, партиямизнинг асосий электорати ҳисобланган зиёлилар, илм-фан вакиллари манфаатлари ҳимоясига ҳисса қўшган бўламиз. Партиямиз сайловолди Платформасида мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш каби устувор вазифалар белгиланган. Шу боис бугунги давра суҳбатида Фан ва технологиялар агентлиги томонидан таклиф этилаётган "Илмий ва инновациявий фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини партия экспертлари, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилишни мақсад қилдик.

Таъкидланганидек, илм-фан эгаларини моддий рағбатлантириш бўйича жорий этилган механизмлар улар фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда давлат қудратини ошириш, халқимизнинг фаровон яшашига хизмат қилувчи инновацион технология ва ишланмаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши, уларнинг муаллифлари ва буюртмачиларига оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор аниқ таклифларни илгари сурди. Қонун лойиҳасида кўрсатилган асосий тушунчаларни қисқартириш, айрим моддаларни икки ва учга бўлиш, илм-фан ва инновациялар соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича органни аниқ кўрсатиш, ваколатли ва бошқа манфаатдор давлат идоралари ваколатларини аниқлаштириш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Шуҳрат ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Илмий ва инновациявий фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, аввало, соҳага оид атамаларни бир хил талқин қилишга имкон берадиган тушунча ва меъёрларни ўз ичига олган. Унинг муҳим жиҳатларидан бири — бу инновацион фаолият соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари акс эттирилаётганидир.

Шунингдек, қонун лойиҳасида илм-фан ва инновациялар соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат идоралари ҳамда уларнинг ваколатлари, илмий ва инновацион фаолият субъектлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ баён этилмоқда.

Одилхўжа ПАРПИЕВ:
Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари:

— Қонун лойиҳасида инновациялар ва инновацион фаолиятни молиялаштириш жараёнига алоҳида боб бағишлангани, мамлакатимиз иқтисодиёти учун янги жараён ҳисобланган венчур жамғармалар ҳақида тушунча берилаётгани эътиборга молик. Лойиҳани тайёрлашда хориж тажрибаси (АҚШ, Франция, Қозоғистон, Украина) чуқур ўрганилди.

Янги қонуннинг қабул қилиниши инновациялар ва инновацион фаолият соҳасида ҳуқуқий майдонни шакллантиради. Инновациявий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар инновацион тадбиркорлик соҳасида зарурий ҳуқуқий муҳитни вужудга келтиради, унинг барча иштирокчилари ўртасида самарали муносабатни таъминлашга имкон беради.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси бугунги кунда жуда долзарбдир. Аммо шу билан бирга айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аввалambor қонун лойиҳасини барчага тушунарли бўлиши нуқтаи назаридан уни соддалаштириш, халқчиллигини таъминлаш лозим. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида эътибордан четда қолган олий таълим муассасаларидаги илмий-инновациявий фаолиятни алоҳида боб сифатида киритишни таклиф этаман. Зеро, бугун биз илмий ва инновациявий фаолият соҳасидаги муносабатларни аввало, олий таълим муассасаларидан бошлашимиз, уларнинг моддий-техник базасини бойитишимиз зарур.

Шунингдек, қонун лойиҳасида илмий ва инновациявий фаолиятни молиялаштириш аниқ очиб берилмаган, яъни бу ерда биз қайси илмий ва инновациявий фаолият Давлат бюджети, қайси бири грант асосида ва қайсилари қонунчиликда тақиқланмаган манбалар асосида молиялаштирилишини аниқ, лўнда қилиб кўрсатишимиз керак.

Давра суҳбати якунида "Илмий ва инновациявий фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, маромига етказиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ҳамда қабул қилинишига эришиш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

ЭСКИ ДАРДГА ЯНГИ ДАВО КЕРАК

ҚАДИМИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДАН УЗОҚЛАШМАЙЛИК

...Тўйхонада олти юзга яқин одам йиғилган, дастурхон тўла ноз-неъмат, бироқ келин-куёвдан дарак йўқ. Билсак, улар расмга тушаётган экан. Анча вақт ўтиб келин-куёв бир хил кийинган бир гуруҳ йигит ва қизлар қуршовида кириб келди. Икки ёш ўз жойларига бориб ўтиргач, йигитлар гур этиб тўйхонани тарк этишди. Улар куёвни тўйхонагача кузатиб қўядиган пулга ёлланган куёвнавкарлар экан. Қизлар эса, келиннинг дугоналари — ярашса-ярашмаса бир хил бичим ва рангда кўйлак кийиб олган — келиннавкарлар бўлиб чиқди.

Тўйхона экранида келин-куёвнинг "севги тарихи" (Ғарбдан "экспорт" қилинган "замонавий қадрият" – "Love Story") видеожамланмаси намойиш этила бошланди. Куёв бояқиш келин бўлмишни етаклаб, хали тоғу боққа чопган, қўл ушлашиб, қувалашиб, ён-ёнбош бўлиб расмга тушган — барчаси бирин-кетин экранда кўрина бошлади...

Тўйхонада таниш-билиш, қариндош-уруғ ўтирибди. Кимдир хижолат бўлиб бош эгса, яна кимдир нимтабассум билан тикилиб турибди. Қолганлар-ку майли, бироқ келиннинг онаси хижолат бўлиш ўрнига фахр билан боқяпти: худди қизи яхши иш қилгандек...

Базмга разм солиб, даврадаги ўйин-кулгу миллийлигимиздан анча йироқлашиб кетганига гувоҳ бўлдик. Айни шу ҳолат миллий қадриятларимизни емириб бормаяптими? Тўй дабдабабозликка айланиб, одамларни йиққан-терганининг кўпи беҳуда сарф бўлмаяптими? Хўш, тўйларимиз шундай давом этаверадими?

— Тўй энг қадимий қадриятларимиздан, ундан мақсад — никоҳни эълон қилиш, икки ёшнинг оила қурганини элга билдириш, йиғин муносабати билан дўсту қариндошларнинг дийдор кўришиши, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланиши, — дейди ЎзРФА Тарих институти этнология ва артопология бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор Ахтам Аширов. — Тўй-йиғинларнинг вақт ўтгани сайин ўзгариб, ривожланиб бориши табиий ҳол, бироқ Ғарб давлатларидаги баъзи урф-одатларнинг кириб келаётгани Шарқ халқларига, айниқса, ўз миллий тарихи ва маданиятига эга давлатларга тўғри келмайди. Масалан, келин ва куёвнинг яқинлари олдида вальсга тушиши; тўйхона экранларида йигит ва қизнинг тўйдан олдин турли кўринишдаги видеожамланмаси намойиши бизнинг табиатимизга ва қадриятларимизга мос эмас. Никоҳ тўйларимизда чимилдиқ деган мўътабар гўша бор, келин-куёвнинг меҳр-муҳаббати шу гўшадан буёғига чиқиши уят ҳисобланади. Мана шундай ўзига хос қадриятларимиз турганда менталитетимизга ёт, "замонавий" урф-одатларга ёпишиш ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Чет давлатлардан илғор фан-техникани ўзлаштириш мумкин, бироқ қадриятларимизни тубдан ўзгартириб юборадиган, унга путур етказадиган ёт одатларни олиб киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Миллий қадриятларимиз миллатимизнинг ори-ғурури саналади. Улар асосида қарашларимиз шаклланиб боради. Тайини йўқ, ҳеч қандай маъно-мазмунга эга бўлмаган одатларни урфга айлантириш маънавиятимизга болта уришдир.

— Бугунги ёшлар ижтимоий тармоқлардан кўп фойдаланади, у ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова. — Билимли, фаросатли йигит-қизлар яхши билан ёмонни фарқлай олади. Аммо мустақил фикри йўқ, ғўр ёшларни оғдириб олиш осон. Улар бир нарсани кўрдими, ортидан тез эргашади. Тармоққа қўйилган, манманликнинг яққол намойиши бўлган тўйлардаги исрофгарчиликларни, келин-куёвларнинг қимматбаҳо мебель жиҳозларига, ҳар турдаги кийим-кечакларга, энг сўнгги русумдаги машиналарга ҳаваси келади. Вақти келиб, ўзининг тўйини ҳам шундай ўтказишни ота-онасидан талаб қилади. Мана шундай пайт йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам ота-онаси тўғри йўл кўрсатиши керак. Ота-она агар қатъий турса, фарзанд кўнади. Бироқ кўпинча айрим ота-оналарнинг ўзи ҳою-ҳавас, дабдабага берилиб кетмоқда. Ёшларимиз орасида дабдабали тўйга қаршилари ҳам кўп. Бироқ улар жамиятимизда урчиб бораётган бу каби иллатлар домида қолиб кетяпти. Биз, аввало, ана шундай ёшларимизнинг қарашларини қўллаб-қувватлашимиз керак. Ҳар бир ҳудуд тўйлар бўйича ўз урф-одатларидан келиб чиқиб, амалдаги тартиб-қоида асосида намунавий дастур ишлаб чиқиши лозим, деб ўйлайман.

Исрофнинг ҳам жавоби бор

Кузатишларимиз тўйхоналаримиз фаолияти билан боғлиқ талай муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Тошкент шаҳридаги аксарият тўйхоналар никоҳ тўйларида 300 нафардан кам одам бўлмаслигини талаб қилаётир. Шу кунларда никоҳ тўйидаги тўкин дастурхон бир кишига 90 мингдан 160 минг сўмгача тўғри келаркан. Уч соатга яқин давом этадиган тўйга бир киши учун шунча овқат тановул қилиш кўплик қилмасми-кан? Бизнингча, тўйхоналарда дастурхон тузаш ва безаш тартибини ҳам ўзгартириш керак. Кетма-кет келадиган овқат баъзан ейилмасдан қайтиб кетяпти. Бу исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. Шаҳримиздаги 70 фоиз тўйхоналар ана шундай тартибда ишлаяпти. Тўй эгаларини уларнинг шартига рози бўлмасликдан бошқа иложи қолмаяпти. Тўйхоналарнинг бундай тартибда ишлаши ва талаблар қўйишига чек қўйиш керак.

— Орзу-истакларимиз, жамики саъй-ҳаракатларимиз фарзандларимиз камоли, бахт-саодати билан боғлиқ, — дейди Шайхонтоҳур тумани бош имом хатиби Одилхон қори Юнусхон ўғли. — Минг шукрки, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тўкис. Қанча тўй қилсак, ярашади. Ота-она ўз фарзандини соғлом ва баркамол этиб тарбиялашни, унинг бахту иқболини кўришни истайди. Ана шундай эзгу мақсадда меҳнат қилиб, яхши кунлар учун йиғинамиз, "топган-тутганимизни" тўйларга атаймиз. Бироқ сўнгги пайтларда бундай ҳою-ҳаваслар миллий қадрият ва урф-одатларимиз кўзгуси бўлган тўй-ҳашамларимизнинг дабдабабозлигу ким ўзар пойгага, исрофгарлик томошасига айлантириб қўяётгани кўпчиликни ташвишга солиши, табиий. Чунки дабдаба билан ўтказилаётган тўй-ҳашамлар турли муаммоларга, энг ачинарлиси, ёш оилаларнинг ажралишларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Тўй ва маросимларимиз борган сари дабдабали тус олиб боряпти, кундан-кун янги-янги тантана ва маросимлар, исрофли, дабдабали одатлар пайдо бўлмоқда. Агар аҳвол шу кетишда давом этса, келажакда бундай маросимлар тўй эгалари бошига кўп ташвиш келтириши, шубҳасиз.

Битта наҳорги ошга баъзилар миллионлаб пул сарфлайди. Ундан кейин ва олдин яна бир талай маросимлар бор: "тўй келар", "сабзи тўғрар", никоҳ базми, чарлар, чақириқ, қовурдоқ, бешиктўй... Дабдабали мебеллар, ҳашаматли пардалар, турли-туман қимматбаҳо сарполар. Хуллас, ақл бовар қилмас даражада катта маблағ талаб қиладиган мана шундай маросим ва жиҳозлар учун азиз умримизни сарфлаяпмиз. Аксинча уларни ихчамлаштирсак, ўзимизга фойда эмасми? Шунча маблағни иқтисод қилган, ўзимизга тузукроқ қараш, соғлиғимизни тиклаш, фарзандларимизга эътибор қаратиш имконига эга бўлардик ёхуд қарзга ботиб қолмасдик. Қолаверса, ҳар қандай исрофгарчиликнинг эртага, албатта, жавоби бор эканлигини унутмаслигимиз керак.

Баъзилар бундай дабдабали маросимларни янглиш, яъни саховат, деб қабул қилмоқда. Саховат деб чиндан эҳсонга муҳтож одамларга яхшилик қилишга айтилади. Таомнинг энг ёмони қорни оч, муҳтожлар қолиб, тўқларга берилган зиёфатдир.

Ҳазрат Навоий "Ўт иши — қовурмоқ, ел иши — совурмоқ", дейдилар. Яна дейдиларки: "Исроф сахо эмас ва итлофни (йўқотиш, барбод қилишни) маъно аҳли сахо демас". Яъни, исроф қилиш — сахийлик эмас, ўринсиз сарфлашни ҳам ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни девона дерлар. Ёруғ жойда шамъ ёққанни ақлдан бегона дерлар.

Тўй — халқимиз маънавият ва маданиятини кўрсатувчи мезон

— Тўйларимизда дабдабабозлик ошиб бораётгани, ҳар хил ёт одатлар ва иллатлар кириб келаётгани ҳақида кўп айтилмоқда ва ёзилмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова. — Масалан, тўйларга таклиф қилишганида ёшларимиз кўпинча чет эл қўшиқларини талаб қилишади. Бундай ҳолатда ёши катталар бир четда қолиб, тўйга боргандек ҳам бўлишмайди. Аксарият ҳолатда тўйларимизда миллий ялла ва лапарларимиз замонавий чолғу-асбобларда ижро этиляпти. Бу ёшларга ҳам, ёши катталарга ҳам бирдек ёқяпти: мана шундай қўшиқларимизни кўпайтиришимиз керак. Тўйларда айтиладиган қўшиқлар ҳам маъноли-мазмунли, киши маънавий оламини тарбияламоғи лозим. Майли, бошқа халқлар қўшиқлари ҳам қўйилсин, лекин миллий қадриятларимиз, одоб-ахлоқимизга зид бўлмасин. Баъзан ёшларимиз ўйинга тушиш учун талаб қилган қўшиқларнинг сўзларини эшитиб, одам хижолат чекади. Ҳар бир хонанда қаерда бўлмасин ўзининг қўшиғини айтиши керак. Бошқа хонанда келиб, бошқасининг қўшиғини фонограммада айтиши ҳеч қайси одоб доирасига тўғри келмайди. Бу, айниқса, санъат даргоҳига энди қадам қўяётган қўшиқчиларимиз орасида кўп учрайди.

Ўрганишларимиз давомида айрим тўйхоналарда ўрнатилган кучли овозкучайтиргичлар ён-атрофда истиқомат қилаётган аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётганига ҳам гувоҳ бўлдик. Яна бир ҳолат: айни пайтда тўйнинг мусиқий дастури ва унда иштирок этувчиларни ташкил этувчи — "тўй бюроси" деган фирмалар тобора кўпайиб бормоқда. Улар бир-биридан ўзиш, "мен сендан кам эмасман" қабилидаги иллатларнинг урчиши ортиқча сарф-харажатга сабаб бўляпти. Булар шу кунларда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлардир.

— Тўйлардаги дабдаба, ортиқча сарф-харажат мақтанчоқликдан бошқа нарса эмас, — дейди журналист Зиёда Эшназарова. — Ҳалол меҳнат билан пул топган одам бундай тўй қилмайди. Дабдаба манманлик ёки осон пул топилишидан келиб чиқади. Орзу-ҳавас бошқа, исрофгарчилик бошқа. Фарзандининг ортидан орзу-ҳавас кўраман, деган одам уни олий маълумотли, касб-ҳунарли қилади.

Менинг ҳам уч фарзандим бор. Яқинда қизимни уналтирдим. Қудалар билан ихчамгина тўй ўтказишга келишиб олдик. Мебелни, уйнинг барча жиҳозларини куёв тараф зиммасига олди. Бу ҳам кимгадир қизиқ туюлар, аммо ҳақиқат. Ўғил ўйлантирсам ҳам ихчамгина, чиройли тўй қилмоқчиман. Энг муҳими, фарзандларимизнинг камолини, бахтини кўриб юрайлик.

Оилавий хотиржамлик — юксак мартаба

— Тўйларимиз ихчам, кам харажат, мазмунли бўлиши керак, — дейди халқаро журналистика факультети талабаси Суҳроб Зиёдов. — Ортиқча дабдабанинг ортидан жиддий муаммолар ҳам келиб чиқаётгани ҳеч кимга сир эмас. Тўйлардаги харажатларнинг ортишига катталар кўпроқ сабабчи бўляпти. Яқинда уларнинг орзу-ҳаваси деб, бир ўртоғимнинг тўйи арафасида анча кўнгил хиралик бўлди. Қиз томон қилган сарпо ва мебель жиҳозлари йигитнинг онасига ёқмаганмиш. Ўртоғим онасини бу фикридан бир амаллаб қайтарди. Аслида йигит киши қизни таъминлаши керакмасми?

— Биз учун энг муҳими дабдабали тўй эмас, бахтли яшаш, — дейди бўлажак келин Ўғилой Мингтўраева. — Шу боис чойгаштак қилмаяпмиз. Никоҳ кечамиз ҳам ихчам бўлади. Тўйимизни дабдабали ўтказишга ота-оналаримизнинг қурби етади, бироқ ўша харажатларга тадбиркорлик қилишни ният қилганмиз.

Бу каби ёшлар фикрини эшитиб хурсанд бўласиз. Дарвоқе, яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани "Ҳумо" тўйхонасида 4 нафар ёш келин-куёвнинг намунали тўйи ўтказилди. Бу бугун тўй тараддудида юрган юртдошларимиз учун ҳар жиҳатдан ибратлидир.

...Миллий мусиқа садолари билан шинамгина тўйхонага ёпинчиқ сўзана остида келин-куёвлар кириб келди. Сўзанани тўрт томонидан тутган қизлар ҳам миллий либосда. Поёндоз устидан ўтиб борган келин-куёв гуллар билан безатилган, ширинлик ва мевалар тортилган столга бориб ўтиришди. Тўй эзгу тилак, куй-қўшиқлар билан давом этди...

— Бугун тўйларимизда шундай ҳолатлар кузатилмоқдаки, улар ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Зумрад Алиева. — Қўмитамиз қатор ташкилотлар ҳамкорлигида никоҳ тўйларининг бош сабабчиси бўлган ёшлар ўртасида ҳозирда урфга айланаётган, миллийлигимизга мутлақо зид бўлган одатларни бартараф этиш бўйича амалий семинарлар, ижтимоий тармоқлар орқали сўровлар ташкил этилаётир. Қувонарлиси шундаки, сўровларда иштирок этган ёшларнинг 74 фоизи ҳозирда урф бўлган "Севги тарихи" видеоролиги, "Менга турмушга чиқасанми?" тадбири ва шунга ухшаш Ғарбдан кириб келаётган одатларнинг ўтказилишига қарши эканликларини билдирган.

Маълумки, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида тўй-маросимлар ўзига хос урф-одатлар билан ўтказилади. Шу боис мамлакатимиз ҳудудларидаги тўй маросимларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиб, ўша ҳудуд шароитига мос намунавий тўйлар дастури тақдим қилиняпти. Қўмита ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда тўй қилиш арафасида турган оилалар билан индувидуал иш олиб борилмоқда, намунали тўйлар ўтказиш аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилаётир.

Халқимиз, албатта, яхши ниятлар билан тўй қилади. Никоҳ тўйи — ҳар бир инсон ҳаётидаги энг бахтли воқеа. Мадомики шундай экан, бундай фараҳбахш кунни ундан кейинги ниҳоясиз ташвишларга, миллий маданиятимизни эса бизга мутлақо ёт бўлган "замонавий" урфларга алиштирмайлик.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Эҳтиром

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 августда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашуви миллий адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари ва маданият соҳаларини янада ривожлантириш йўлида янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари соҳадаги кўплаб долзарб масалалар қатори "санъаткор одоби, уларнинг юриш-туриши, кийиниш маданияти, муомаласи билан бошқаларга, энг аввало, ёшларимизга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақида" гапирар экан, "хушовоз хонанда Санобар Раҳмонованинг бир пайтлар куйлаган дилбар қўшиқларини томошабинлар ҳозир ҳам соғиниб эслайдилар. Бу санъаткор телеэкранда ҳам, саҳнада ҳам иболи, ҳаёли, ҳақиқий ўзбек қизининг қиёфасини, чинакам образини яратиб, қанча-қанча қизларимизга ибрат бўлган эди", деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Кўнгилга манзур бўладиган қўшиқларни топиш тобора муаммога айланиб бормоқда. Бунга сабаб қилиб кимдир қўшиқчиликда истеъдоддан кўра иқтисод муҳим бўлиб қолганини айтса, яна биров мухлислар дили ўтмаслашиб бораётганидан норози.

Халқимизнинг севимли хонандаси Санобар Жўраева (Раҳмонова) билан суҳбат қилишга ҳозирлик кўраётганимизда яна бир хушхабар эшитдик. Санъаткор Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан Президент фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ БИЗНЕСГА АЙЛАНМАЙДИ



— Бу хушхабарни ўзим ҳам ҳозиргина эшитдим, — дейди Андижон вилояти Асака тумани маданият бўлими қошидаги ансамбль хонандаси Санобар Жўраева. — Президентимизнинг зиёлилар билан учрашувидаги эътирофи ва ушбу юксак мукофот мени ниҳоятда ҳаяжонга солди. Менинг камтарона ижодимни давлатимиз раҳбари юксак баҳолаб, ўрнак ва ибрат сифатида кўрсатганидан бошим кўкка етди. Бундай юксак мукофот, ижод аҳлига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик миллий санъатимиз равнақи йўлида янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов жасорати билан халқимиз мустақилликка эришгач, барча соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилди. Шу жумладан миллий мусиқа санъатимизни тараққий эттиришда тамал тоши қўйилди. Бироқ бугун замон шиддат билан ўзгарар экан, санъат олдига ҳам янги-янги вазифалар қўйилиши табиийдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан дўстона, самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтган учрашувида маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири холисона ва танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, "кўпчилик қўшиқчилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий ғоялар билан яшаш, санъат дунёсига, мухлисларга ҳурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган".

Биргина санъат соҳасини олайлик, савия жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган аксарият қўшиқлар ва уларнинг ижрочилари фаолияти қизғин муҳокама қилинмоқда. "Ўзбекконцерт" эстрада бирлашмаси ўтказган матбуот анжуманларида, телеканаллар орқали уюштирилган суҳбатларда мавзунинг ечими тўғрисида таклифлар билдирилмоқда. Бу борада ўзгаришлар бўлаётгани, саёз қўшиқ ва тароналар телерадио эфирларидан олиб қўйилаётган бўлса-да, негадир ҳануз ижобий томонга силжиш қониқарли даражада эмас.

Тўғриси, бугун куй-қўшиқнинг мазмунини, санъатнинг асл моҳиятини тушуниб улгурмаган баъзи хонандалар сабаб соҳа танқидга учрамоқда. Асосий муаммо — хориждан кўчирмачилик қилинаётгани, яъни "плагиат"га йўл қўйилаётгани. Илгари бадиий кенгашнинг талаби қаттиқ бўларди. Кўрикка ўнлаб қўшиқларимизни тақдим этардик. Қайсидир нотаси бошқа бир асарга ўхшаб қолса ҳам тасдиқланмасди. Атиги уч-тўрттаси ўтарди. Бугун-чи? Бундай тартиб, талаб ҳаминқадар. Ҳар ким хоҳлаганини куйлайди.

Менимча, бугун таълим муассасаларида ўқитилаётган мусиқа дарслари ҳам талаб даражасида эмас. Ўқувчига таълим бераётган ўқитувчи нимани ўргатаётганини, аввало, ўзи ҳис қилиши лозим.

Давлатимиз раҳбари зиёлилар билан учрашувда бу масалага ҳам алоҳида тўхталди. Маданият ва санъат муассасалари ходимларининг 50 фоиздан ортиғи олий маълумотга эга эмаслигини таъкидлади. Шу ўринда таниқли санъат намояндаларини мусиқа мактабларига бадиий раҳбар ёки директор этиб тайинлаш таклифи айни муддао бўлди. Чекка-чекка ҳудудларимизда ҳам иқтидорли ёшлар кўп. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодий камолоти учун ёрдам бериш доимий вазифамиз бўлиши керак. Балки уларнинг барчаси ҳам катта санъаткор бўлиб етишмас, лекин мусиқага, санъатга меҳр бериб улғаяди ва бундай йигит-қизлардан ёмонлик чиқмайди.

Учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз", деб таъкидлади. Санъат инсоннинг қалб қўри билан яратиладиган илоҳий неъматдир. Агар ундай бўлмаса, у ўзгалар юрагига кириб боролмайди. Шу маънода уни бизнесга айлантириш инсон кўнглини пуллаш билан тенгдир. Дарҳақиқат, бу соҳани бизнесга айлантириш миллатимиз келажагини, унинг маънавиятини, маданиятини бой беришга олиб келади. Бу эса миллатнинг ҳақиқий фожеаси демакдир.

Санъат чин маънода фидойиликни, ҳалол меҳнатни талаб этади. Кейинги йилларда ёшларнинг мусиқий диди, бадиий савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юқори босқичда ташкил этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Буни соҳа ривожи йўлида қилинаётган ишлар, ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган эътибор ҳам яна бир карра исботлаб турибди. Ўз навбатида санъаткорларимиз ҳам халқимизни маънавий жиҳатдан пишиқ ва пухта санъат асарлари билан баҳраманд этишдек масъулиятни ҳис этишлари зарур. Мана шу масъулият ҳисси қанчалик кучли бўлса, ўйлайманки, санъатимиз ҳам шунчалик кучли ва жозибали бўлади.

Ҳувайдо ХЎЖАМҚУЛОВА
ёзиб олди.

“ҒАРБГАЗТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ

билан қутлайди.








Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
халқимиз омон бўлсин!

“Ғарбгазтаъминот” УК “Навоий шаҳаргаз” филиали жамоаси

26 июль





юртдошларимизни Ватанимиз

мустақиллигининг 26 йиллиги

билан самимий қутлайди.

хизматлар лицензияланган


“Шовот-289 ХКММК” МЧЖ ЖАМОАСИ



кўп миллатли Ўзбекистон халқини

Истиқлолнинг 26 йиллик шодиёнаси

билан табриклайди.



Кўҳна ва ҳамиша навқирон Ватанимиз мустақиллиги барчамизга муборак бўлсин, азизлар!

хизматлар лицензияланган

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

26 йил



Ўзбекистон халқини

Мустақиллик байрами

билан муборакбод этади.



Шундай фараҳли кунларда барчага мустаҳкам соғлик, хонадонингизга тинчлик ва хотиржамлик, файзу барака, эзгу ишларингизда омад тилаймиз.

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



БАЙРАМ МУБОРАК!

маҳсулот сертификатланган

"ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАР КОРХОНАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни Ватанимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ

билан табриклайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Хизматлар лицензияланган



AGROBANK

жамоаси

юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳаёти фаровон бўлишини тилаб, банк ўз хизматларини таклиф қилади.

Хусусан, "СПК Жамғарма" ва "СПК Муддатли" номли пластик картада жамғариладиган омонат турлари орқали сиз ўз маблағларингизни кўпайтириб боришингиз мумкин.

Ушбу омонат турлари ва бошқа банк хизматлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни agrobank.uz сайтидан ёки банкнинг жойлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

AGROBANK 26 ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОНИ!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

БАЙРАМОЛДИ САВДО ЯРМАРКАСИ

АҲОЛИГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Халқимиз азалдан эзгу анъаналари, ўлмас қадриятлари, меҳмондўстлиги, меҳр-оқибатлилиги билан бирга гавжум бозорлари ва улардаги саҳнга чиқувчи навқирон, бетакрор ҳунармандлик буюмлари билан ҳам дунё аҳлини ром этиб келган. Мустақиллик йилларида юртимиз бозорларининг қиёфаси тубдан ўзгарди ва бу эзгу ишлар изчил давом этмоқда.

Миллий услубларда барпо этилаётган бозорлар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда, харидор ва сотувчилар учун яратилаётган қулайликлар савдо хизмати ва маданиятини юксалтирмоқда. Жаннатмонанд юртимиз бозорларининг ободлиги, маҳсулотларнинг мўл-кўллиги, нарх-навонинг ҳамёнбоплиги мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини намоён этиб келмоқда.

Мамлакатимиз бозорларидаги ўзгаришларни "Нукус деҳқон бозори" мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик тўйи арафасида ушбу деҳқон бозорида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилган. Уларда фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар, агрофирмалар томонидан етиштирилган ва қайта ишланган турли озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда.

— Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли фермер ва деҳқонларимиз, боғбону соҳибкорларимиз ҳар қарич ердан самарали фойдаланиб, халқимиз дастурхонининг тўкинлиги, бозорда нарх барқарорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда, — дейди "Нукус деҳқон бозори" акциядорлик жамияти қошидаги "Тайёрлов-сотув" кичик корхонаси директори Фарида Нуритдинова. — Бу саъй-ҳаракатлар бозорларимизда йил бўйи тўкинлик, нарх-навo меъёрида бўлишига, пировардида аҳолининг турмуши янада юксалишига хизмат қилмоқда. Ярмаркага турфа маҳсулотлар Нукус, Тўрткўл, Амударё, Элликқалъа туманларидан, шунингдек, Самарқанд вилоятидан келтирилмоқда.

"Тайёрлов-сотув" кичик корхонаси ўтган саккиз ой давомида икки юз миллион сўмдан ортиқ арзон ва сифатли маҳсулотларни шаҳар аҳолиси дастурхонига тортиқ қилди. Бозордаги дўконларда музлаткичлар ўрнатилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда ветеринария, санитария-эпидемиология мутахассислари назоратидан ўтказилиши, сотувчиларнинг мунтазам тиббий кўрикдан ўтиши қатъий йўлга қўйилган. Бозор ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, тозаликни сақлаш борасидаги ишларни янада жонлантириш учун жамоатчилик назоратчилари ишлаб турибди. Қисқа айтганда, бу борадаги ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Асосий мақсад бозорда аҳолига кенг қулайликлар яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, фуқароларимиз савдо маданиятини, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

— Байрам дастурхонига харид учун ушбу деҳқон бозорига келдик, — дейди нукуслик уй бекаси Гулойим Юсупова. — Маҳсулотлар тури кўплигидан бирор нарса харид қилишга ҳам шошиб қолар экансан. Савдо расталари тўкин ва маҳсулотлар арзон. Масалан, узумнинг килоси навига қараб 2 минг сўмдан 8 минг сўмгача. Сабзи 700-1000 сўм, картошка 1,500-2,500 сўм, гўшт 22 минг сўм. Қадоқланган турпи маҳсулотларни-ку, қўяверинг. Маҳсулотлар савдоси пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилаётир. Бозорни сероб қилган деҳқонларга катта раҳмат.

Жойларда ташкил этилаётган бундай савдо ярмарқалари бозорларимиз тўкинлиги, нарх-навo барқарорлигини таъминлаш билан бирга, халқимизга байрамона кайфият бағишламоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

НОК – ХУШТАЪМ, ХУШБЎЙ ВА СЕРСУВ МЕВА



Ширин ва хушбўй нокнинг тотли таъмини билмайдиган, табиатнинг бу ноёб мевасини ёқтирмайдиган одам топилмаса керак. Нокнинг 5 мингдан ортиқ нави бўлиб, у дунёдаги барча мамлакатда ўсади. У нафақат ширин, балки талай шифобахш хусусиятларга ҳам эга, тўйимли, шифобахш мевадир.

Шарқ табиблари нокнинг жуда кўп шифобахш хусусиятларини аниқлашган. У инсонни тетиклаштиради, чарчоқ ва зўриқишни йўқотиб, хушкайфият бағишлайди. Бу бемор учун энг зарур дори-дармондан ҳам афзал. Ана шу кўтаринки рух, соғайишга бўлган иштиёқ инсон танасининг дард билан курашишига ёрдам беради. Нок мевасининг ниҳоятда хушбўй бўлган навлари тахикардиядан азият чеккан беморлар учун фойдали. Шунингдек, нок юрак тез урганда меъёрлаштиради, унинг мушаклари тўқималарини мустаҳкамлаб, тинчлантиради. Табибларнинг таъкидлашича, пиширилган нок танани тозалаб, куч-қувват бағишлайди.

Нок шарбати, меваси ва баргидан тайёрланган дамлама ҳарорат кўтарилганда чанқоқни босади, безгакни даволашда фойдали. Меваси шамоллашга қарши кучли восита саналади. Унинг таркибида жуда кўп фенол қўшимчалари бор. Улар қон томирларини мустаҳкамлайди. Хотира сусайиши (атеросклероз)нинг олдини олади. Янги узиб олинган, қайнатилган ва пиширилган нок меваси нафас йўли билан боғлиқ хасталикларни даволайди. Бронхит, сил, астма ва кучли йўталда истеъмол қилинса, нафи кўп.

Қолаверса, нок ошқозон-ичак, овқат ҳазм қилиш тизими хасталикларини даволашда, парҳезда тавсия этилади. Чунки унинг таркибидаги дубил моддалар овқатни ҳазм қилишга ёрдам беради. Қўзиқорин ёки овқатдан заҳарланганда ҳам нок истеъмоли фойдали. Оқсилнинг кўплиги ичаклар фаолиятини тезлаштиради, ични меъёрига келтиради. Шунинг учун нокни кўп ва мунтазам истеъмол этиш мақсадга мувофиқдир. У ичакларга ҳеч қачон зарар етказмайди. Нокни оч қорнинг ейиш мумкин эмас. Иложи бўлса уни алоҳида еган маъқул.

Қизиғи, нокнинг хом мевасини, ҳатто қанд касали билан оғриган беморлар ҳам бемалол истеъмол қилиши мумкин. Янги узиб олинган нок таркибида қанд моддаси жуда оз миқдорда бўлади. Бу эса унинг таркибида органик моддаларнинг жуда камлигидан дарак беради. Микроэлементларга бой бўлгани ва моддалар алмашувини фаоллаштиргани учун нок парҳез мева ҳам ҳисобланади. Айниқса, ундан тайёрланган қайнатма, шарбат ва дамламаларни шакар аралаштирмасдан ичган фойдалироқ. Шу боис, озишни истаганлар нокдан истаганча истеъмол қилиши ва мевасидан тайёрланган қайнатмани мунтазам ичиш мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

СУЗУВЧИ ИЛК ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ

Хитойнинг Хуайнань шаҳрида илк сузувчи қуёш батареяларидан фойдаланишмоқда. Айни пайтда сувда ҳаракатланувчи энергия манбаи эски кўмир кон захираси ўрнида ишга туширилди. Бу ҳақда "China Daily" нашри хабар тақатган.

Нашр мухбирининг ёзишича, 86 гектар сув майдонини эгаллаган қуёш энергиясини ўзида тўплайдиган батареялар умумий ҳисобда 1200 дан ортиқни ташкил этади. Муҳандислар берган маълумотларга кўра, барча қурилма бирга 15 минг хонадоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини бемалол қондира олади.

Лойиҳани шу соҳада етакчи бўлган Хитойнинг "Sungrow Power Supply Co Ltd" компанияси тайёрлаган бўлиб, сувдаги батареялар ҳар қандай табиат инжиқликларига чидамли. Дастлабки сузувчи энергия манбалари 25 йил ишлатилиши режалаштирилмоқда.

НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИ МУСТАҚИЛ ҲАРАКАТЛАНАДИ

Япониянинг "Panasonic" компанияси имконияти чекланган фуқаролар учун ишлаб чиқарган мустақил ҳаракатланадиган аравачалар Токионинг Ханеда халқаро аэропортида синовдан ўтказилмоқда, дейилади "3dnews.ru" сайтида.

2020 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига қадар Япониядаги барча аэропорт шундай аравачалар билан таъминланади. Аравачани синовдан ўтказиш ишлари 2018 йилнинг баҳорига қадар давом этади.

Мустақил бошқарилувчи аравачалар мамлакатга самолётда келиб-кетувчи ва жисмоний ёрдамга муҳтож меҳмонларга хизмат кўрсатади. "Panasonic" аравачаси йўловчини рўйхатдан ўтказиш бўлимига келтиради, кейин эса бутун аэропорт бўйлаб ҳаракатланади. Сайёҳни керакли жойга етказган аравача автоматик равишда кейинги йўловчига ёрдамга келади.

Аравачани бошқариш учун махсус илова тайёрланган. Шу боис жисмоний имконияти чекланган киши Японияга — Олимпия ўйинларига ташриф буюришидан олдин ушбу иловани смартфонга юклаб олиши ва аравачанинг дастур ҳамда функциялари билан танишиши мумкин.

"Panasonic" аравачаси мустақил ҳаракатланиши учун иншоотлар харитасини чизиб, тўсиқлар ва одамларни четлаб ўтишга ёрдам берадиган махсус дастурий таъминотдан фойдаланади. Шунингдек, қурилма қўплаб хисоблагич ва сенсорлар билан жиҳозланган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 916, Адади — 5175. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 00.35. Топширилди — 00.59.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456